

КАФИЛЛИК ШАРТНОМАСИ

_____ шахри

201__ йил __ _____

Бир тарафдан АТ “Алоқабанк” (бундан буён матнда “КРЕДИТОР” деб аталувчи) номидан 201__ йил __ _____ даги 00-00/00-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи _____ филиали бошлиғи _____,

Иккинчи тарафдан (бундан буён матнда “КАФИЛ” деб юритилувчи) _____ номидан Устав асосида иш олиб борувчи жамият директори _____,

Учинчи тарафдан (бундан буён матнда “ҚАРЗДОР” деб юритилувчи) _____ номидан Устав асосида иш олиб борувчи жамият директори _____ тимсолида, (биргаликда “ТАРАФЛАР” деб аталувчи), ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “КАФИЛ” ва “ҚАРЗДОР” ўз мажбуриятларини тўла ёки қисман бажариши учун “КРЕДИТОР” олдида мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатларда ва шартларда жавоб беради.

II. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

2.1. “КАФИЛ”лик билан таъминланган мажбуриятлар бўлиб, “КРЕДИТОР” ва “ҚАРЗДОР” ўртасида 20__ йил “___” _____ да тузилган _____-сонли кредит шартномаси (бундан буён матнда “Кредит шартномаси”) бўйича “ҚАРЗДОР”нинг “КРЕДИТОР” олдида бажариши шарт бўлган барча (яъни ҳозирда мавжуд бўлган ва келажақда вужудга келиши мумкин бўлган) мажбуриятлари ҳисобланади.

2.2. “КАФИЛ” Кредит шартномаси бўйича “ҚАРЗДОР”нинг “КРЕДИТОР” олдидаги жами қарзларини, шу жумладан кредит, кредитга ҳисобланган фоизлар, неустойкалар, ҳақиқий зарар, бой берилган фойда, суд ҳаражатлари, ижро йиғими, қарздорликни ундириш учун 3-шахсларга тўланган пуллар ва бошқа суммалар бўйича тўлиқ миқдорда солидар тартибда жавобгар ҳисобланади.

2.3. Кафиллик билан таъминланган мажбуриятлар “ҚАРЗДОР” томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда “КРЕДИТОР”нинг биринчи талабига асосан, талаб қўйилган кундан бошлаб, 3 (уч) календар куни ичида “КАФИЛ” жами суммани “КРЕДИТОР”га тўлайди.

2.4. Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар “ҚАРЗДОР” томонидан бажарилмаган тақдирда, “КРЕДИТОР” кредит шартномаси бўйича ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган пул маблағларини “КАФИЛ”дан сўзсиз тартибда мемориал ордер ёки тўлов талабномаси асосида ундириб олишга ҳақлидир.

2.5. Кредит шартномаси бўйича “ҚАРЗДОР”нинг мажбуриятларини бажарган “КАФИЛ”га “КРЕДИТОР”нинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида “КРЕДИТОР”га тегишли бўлган ҳуқуқлари “КРЕДИТОР”нинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса шунча ҳажмда “КАФИЛ”га ўтади.

III. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

3.1. “КАФИЛ” Кредит шартномаси бўйича мазкур шартнома асосида “ҚАРЗДОР”нинг барча мажбуриятлари бажарилиши юзасидан “КРЕДИТОР” олдида “ҚАРЗДОР” билан солидар тартибда жавоб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

- Кредитнинг умумий суммаси – _____ (_____) сўм;
- Фоиз ставкаси – йиллик _____%;
- Кредит муддати – ____ (_____) ой, ____ (_____) ой имтиёзли давр асосида;

3.2. “КАФИЛ” Кредит шартномаси бўйича кредитга ҳисобланган фоизлар ва кредитни тўлаш жадвалига мос равишда “ҚАРЗДОР”нинг молиявий ҳолатидан қатъий назар, ўз ҳисобварақларида маблағларни тўплаб (аккумуляция қилиб) боради.

3.3. “КРЕДИТОР”нинг талабига кўра, “КАФИЛ” “КРЕДИТОР” томонидан мазкур талаб кўйилган вақтдаги охириги ҳисобот санасига доир тегишли давлат солиқ инспекциясининг баланси қабул қилганлик тўғрисидаги белгиси кўйилган бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги молиявий ҳисоботи ва ўзининг молиявий ҳолати ҳақидаги “КРЕДИТОР” зарур деб ҳисоблаган бошқа ҳисоботларни тасдиқланган ҳолда “КРЕДИТОР”га 1 (бир) кунда тақдим этади.

3.4. “КАФИЛ” ўзининг таъсис ҳужжатларига “КРЕДИТОР”нинг розилигисиз ўзгартириш ва кўшимчалар, шунингдек “КАФИЛ”нинг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи бошқа шартларни киритмайди.

3.5. “КАФИЛ” “КРЕДИТОР”ни ўзининг олий бошқарув органлари (умумий йиғилиш) мажлиси ўтказилиши тўғрисида “КРЕДИТОР”ни 30 календар кун олдин огоҳлантиради ҳамда ушбу мажлисларда “КРЕДИТОР”нинг вакилини иштирок этишга таклиф этади.

3.6. “КАФИЛ” қайта ташкил этилиши (яъни кўшиб юборилса, кўшиб олинса, бўлинса, ажратиб чиқарилса, ўзгартирилса) тўғрисида “КРЕДИТОР”ни 30 календар кун ичида ёзма шаклда огоҳлантиради.

3.7. Қайта ташкил этилганлиги муносабати билан “КАФИЛ”нинг ўрнида ташкил топган хўжалик юритувчи субъект ёки субъектлар мазкур шартнома мажбуриятларини ҳуқуқий ворис сифатида солидар тартибда бажаради.

3.8. “КАФИЛ”га нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, назорат қилувчи органлар ёхуд судлар томонидан қўлланилган ёки қўлланилаётган ҳуқуқий таъсир чоралари, иқтисодий, молиявий жарималар ва иқтисодий, молиявий санкциялар тўғрисида унга маълум бўлган кундан бошлаб “КРЕДИТОР”га 10 (ўн) календар кун ичида хабар беради.

3.9. “КАФИЛ”нинг мансабдор шахслари (муассислар, ижро органи аъзолари, бош ҳисобчи)га нисбатан суриштирув ва дастлабки тергов амалга оширилётганда, шунингдек жиноят иши кўзгатиладиганда, шунингдек жиноий процессуал эҳтиёт чоралари қўлланилганда ёки бошқа ҳолларда ушбу ҳолатлар “КАФИЛ”га маълум бўлган кундан бошлаб “КРЕДИТОР”га 5 (беш) календар кун ичида хабар беради.

3.10. “КАФИЛ” муассис ёки бир гуруҳ муассислар, ижро органи аъзолари ва бош ҳисобчиси ўзгарганда “КРЕДИТОР”га 10 (ўн) календар кун ичида хабар беради.

3.11. “КАФИЛ” “ҚАРЗДОР”нинг “КРЕДИТОР” олдидаги мажбуриятларини бажарганда, “КРЕДИТОР” “ҚАРЗДОР”га бўлган талабларни тасдиқловчи ҳамма ҳужжатлар нусхаларини ҳамда ушбу талабларни таъминлайдиган ҳуқуқни “КАФИЛ”нинг талабига кўра топширади.

3.12. “КАФИЛ” ўзига тегишли мол-мулкларини “КРЕДИТОР”нинг ёзма розилиги билан сотади.

IV. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

4.1. Тарафлар мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганларида кредит шартномаси суммасининг 50% миқдориди жарима ҳисобланиши мумкин.

4.2. “КАФИЛ” мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганида бажарилмаган ҳар бир кун учун бажарилмаган мажбуриятларнинг 10 (ўн) фоизи миқдориди “КАФИЛ”га пеня шаклида неустойка ҳисобланади.

4.3. “КАФИЛ” мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда неустойкадан ташқари етказилган зарарни тўлиқ миқдорда тўлайди.

4.4. Мазкур шартнома бўйича “КАФИЛ” ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда неустойкани ва/ёки зарарни қоплаши “КАФИЛ”ни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

V. ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР

5.1. Тарафлар энгилмас куч таъсиридаги ҳолатлар (форс-мажор), яъни тарафлар кўра билмаган ёки олдини ололмайдиган, тарафларнинг иродаси ва хоҳишидан ташқари вужудга келадиган ҳолатлар натижасида мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки

лозим даражада бажармаганликларини исботлаб бера олсалар ва тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш учун мавжуд барча чораларни кўрган бўлсалар, жавобгарликдан озод этиладилар.

5.2. Форс-мажор ҳолатларга ёнғин, сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эпидемия, техник фожеалар, харбий ҳаракатлар, фавқулодда вазиятлар, давлат органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар, банк тўлов тизими ишдан чиқиши, электр тармоқларининг узилиши ва бошқа шу каби ҳолатлар киради.

5.3. Форс-мажор ҳолати натижасида мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаган тараф бошқа тарафга ушбу ҳақида форс-мажор ҳолати вужудга келган кундан бошлаб уч кун ичида хабар бериши шарт.

5.4. Форс-мажор ҳолатлар вужудга келган ҳолларда, шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши форс-мажор ҳолат давом этган муддатга кечиктирилади.

VI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИ

6.1. Шартномани бир тарафлама ўзгартиришга ёки бекор қилишга йўл қўйилмайди, мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.2. “ҚАРЗДОР” ва/ёки “КАФИЛ” мазкур шартнома ёки ҳисобварақ шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда “КРЕДИТОР” бир тарафлама ушбу шартномани ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин.

6.3. Мазкур шартноманинг бекор қилишга ёки ўзгартириш асослар вужудга келган тақдирда, шартнома бўйича ажратилмаган кредит суммасининг қолган қисми ажратилиши тўхтатиб турилади.

6.4. Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортишга йўл қўйилмайди, мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллардан ташқари. (ФКнинг 382-моддаси)

VII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартномани бекор қилмоқчи ёки ўзгартирмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафга шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш шартларини кўрсатган ҳолда шартномани бекор қилиш тўғрисида шартнома лойиҳасини юборади.

7.2. Мазкур шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида шартнома лойиҳасини олган тараф, уни олган кундан бошлаб 15 кун ичида ушбу лойиҳани кўриб чиқиб, иккинчи тарафга жавоб хати юборади.

7.3. Мазкур шартноманинг 7.2. бандида кўрсатилган муддат ичида шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини олган тараф иккинчи тарафга лойиҳа юзасидан жавоб хати юбормагандан кейингина, шартнома лойиҳасини юборган тараф шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мурожаат этиши мумкин.

7.4. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ҳамда имзоланган кундан қонуний кучга киради.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

8.1. Мазкур шартнома асосида ва унинг юзасидан тарафлар ўртасида вужудга келган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар, тарафлар томонидан музокара орқали ҳал этилади.

8.2. Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаганда, тарафлар Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат этадилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома тарафлар имзолаган кундан кучга киради ва тарафлар мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларигача амалда бўлади.

9.2. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг унинг бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

X. ШАРТНОМАНИНГ ЯКУНИЙ ШАРТЛАРИ

10.1. Мазкур шартнома ўзбек тилида 3 (уч) нусхада тузилган бўлиб, учта нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

10.2. Мазкур шартномани имзолангандан сўнг тарафлар ўртасида бўлган ҳар қандай оғзаки ёки ёзма келишувлар, битимлар ва аризалар, шартнома имзолашдан олдин бўлган ҳар қандай ёзишма ва музокаларлар ўз юридик кучини йўқотади.

10.3. Тарафлар ўз почта манзили ва банк ҳисобварақ реквизитларини ўзгарганлиги (янгиси очилганлиги) тўғрисида бир-бирларини тез кунда огоҳлантиради.

10.4. Мазкур шартноманинг 10.3 бандини бажармаслик тарафлар шартномада назарда тутилган хат-хабарлар ва тўловлар ўз муддатида етиб бормаганлигини сабаб қилиб кўрсатишдан (важ қилишдан) маҳрум қилади.

10.5. “ҚАРЗДОР” ва “КАФИЛ” томонидан ҳар қандай хат-хабарлар ёзма шаклда почта орқали бюртмали олинганлигини тасдиқловчи хат билан юборилиши керак.

10.6. “ҚАРЗДОР” ва “КАФИЛ” томонидан ҳар қандай хат-хабарлар ёзма шаклда мазкур шартноманинг **XI** бандида кўрсатилган почта манзилига ва нусхаси _____, _____ шаҳар, _____ тумани, _____ кўчаси _____-уйга АТ “Алоқабанк” _____ филиалига юборилади.

10.7. Мазкур шартнома шартлари, унга қўшимча шартномалар ва шартнома юзасидан тарафлар олган бошқа маълумотлар конфиденциал ҳисобланиб, ошкор этилмайди.

10.8. Мазкур шартноманинг **XI** бўлимида кўрсатилган тарафларнинг почта манзиллари ёки ушбу почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида хабарда кўрсатилган почта манзили бўйича юборилган хат-хабарлар юридик шахс почта манзили бўйича рўйхатдан ўтмаган деган мазмундаги хабарлар билан қайтиб келган тақдирда “ҚАРЗДОР” ва “КАФИЛ” суд ишини уни иштирокисиз кўришга розилик беради.

10.9. “ҚАРЗДОР” ёки “КАФИЛ” почта манзили бўйича ҳеч ким хат-хабарларни қабул қилиб олмаганда ёки қабул қилиб олган шахс “ҚАРЗДОР”ни ваколат берган шахс эмаслиги аниқ бўлганида, “ҚАРЗДОР” муассисларига (иштирокчиларига) ёки ижро этувчи орган раҳбарининг доимий рўйхатга ўтган почта манзили бўйича юборилган хат-хабарлар “ҚАРЗДОР”га юборилган ҳисобланади.

XI. ТАРАФЛАР ПОЧТА МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“КРЕДИТОР”	“ҚАРЗДОР”	“КАФИЛ”
АТ “Алоқабанк” _____ филиали	_____	_____
вак.х/р16103 _____ 001	х/р 20208 _____ 001	х/р 20208 _____ 001
МФО: _____	МФО _____	МФО _____
СТИР: _____	СТИР _____	СТИР _____
_____ шаҳри, _____	Манзил: _____ шаҳар	Манзил: _____ шаҳар
тумани, _____ кўчаси, ___ уй	_____ тумани _____ кўчаси	_____ тумани _____ кўчаси
Тел.: _____	_____ -уй _____ - хонадон	_____ -уй _____ -хонадон
Филиал бошлиғи: _____	Тел.: _____	Тел.: _____
_____	Директор: _____	Директор: _____
Бош бухгалтер: _____	_____	_____
_____	Бош бухгалтер: _____	Бош бухгалтер: _____
_____	_____	_____
М.Ў.	_____	_____
	М.Ў.	М.Ў.

Кафиллик берувчининг банки АТ _____ банк _____ филиали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низомининг 56-банди 2-хат бошига асосан кафилнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк сифатида қарз олувчининг кредитлар бўйича қарзлари ўз вақтида сўндирилмаганда, кафилнинг ҳисобидаги маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариб беради.

Бизга ушбу шартноманинг шартлари аён ва унинг нусхасини олдик ҳамда уларнинг шартларини бажариш мажбуриятини оламиз.

АТ “ _____ ”
_____ филиали
бошқарувчиси

Бош бухгалтер
